

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 15 март
жума
Сотувда эркин нархда
№ 54 (2882)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг илмий ва технологик салоҳиятини янада ривожлантириш учун қудай шарт-шароит яратиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотларнинг стратегик вазифалари ва устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда мамлакат илмий-техникавий тараққиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар савиясини, сифатини ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадлида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши тuzилсин.

Мувофиқлаштириш кенгаши республикада илмий-техникавий фаолият соҳасидаги мувофиқлаштирувчи юқори орган эканлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг раҳбарлигида ишлайдиган бўлиб тuzилсин.

2. Мувофиқлаштириш кенгаши таркиби тасдиқлансин.

3. Мувофиқлаштириш кенгаши зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юқсансин:

фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлар, технологик ишланмаларнинг устувор йўналишларини иқтисодий ва ижтимоий соҳалар ривожланишининг стратегиясини, шунингдек мамлакат иқтисодий ҳаётидаги қисқа муددатли, ўрта муددатли ва узоқ муددатли истиқболли таркибий ўзгаришлар ҳамда боғлиқ ҳолда белгилаш; мамлакат манфаатларини давлатимизнинг иқтисодий ҳаётида ижтимоий тараққиёт соҳасидаги устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда йирик илмий-тадқиқот дастурлари ва технологик лойиҳалар буйича экспертизалар ташкил этиш ва экспертиза хулосаларини тасдиқлаш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат устувор йўналишларига мос келувчи йирик илмий дастурлар ва технологик лойиҳаларни тасдиқлаш;

илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар буйича йиллик Давлат дастурини тасдиқлаш;

янги инновационий йилгор гоиларни йилгори суруви, жаҳон илм-фанидаги янги, истиқболли йўналишларни мунтазам кузатиб бориш ҳамда мамлакат манфаатлари йўлида қудай олиштириш қилиб қўйиш; олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологияларнинг кенгаши қошида унинг ижтимоий органи сифатида Фан ва технологиялар маркази ташкил этилсин.

4. Мувофиқлаштириш кенгаши қошида унинг ижтимоий органи сифатида Фан ва технологиялар маркази ташкил этилсин.

Куйидагилар марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илмий-техникавий тараққиётнинг устувор йўналишлари буйича қисқа муددатли, ўрта муددатли ва узоқ муددатли истиқболли мулкдорлик тақдирини шайлаш ва уларни Мувофиқлаштириш кенгашига тақдим этиш;

Мувофиқлаштириш кенгаши томонидан белгиланган илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари доирасида йиллик илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар дастури лойиҳасини шайлаб чиқиш;

илм-фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари буйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳуқуқида эга бўлиш учун танловлар уюштириш ва ўтказиш;

интеллектуал салоҳиятдан ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун ажратилаётган молиявий маблағлардан максимал даражада оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадли республика илмий муассасалари фаолиятини мунтазам таҳлил этиб бориш;

илм-фан ривожини ва инновация фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа шаклларида фойдаланган ҳолда иқтисодий, истиқболли олимларнинг касбий малакаларини ошириш учун шарт-шароит яратиш;

илм-фан ва технологиялар соҳасида халққо ҳамкорликни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун хоржий инвестицияларни, ҳомиёлар маблағларини ва грантларни жалб этиш.

5. Мувофиқлаштириш кенгаши қошида йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ташкил этилсин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юқсансин:

йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларининг ҳолис, мушарраф экспертизасини уюштириш, техник жиҳатдан таъминлаш ва ўтказиш;

юқори малакали олимлар ва мухассислар орасидан мушарраф экспертлар хусусидан маълумотлар базасини шайлаб чиқиш ва уни мунтазам равишда янгилаб бориш;

амалга оширилаётган йирик илмий тадқиқотлар ва инвестиция лойиҳалари буйича жорий ва якуний ҳисоботлар мониторингини олиб бориш;

Мувофиқлаштириш кенгашига олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг ва ишлаб чиқиладиган инвестиция лойиҳаларининг мақсадли мувофиқлиги, уларнинг самарадорлиги ва сифатини янада оширишга доир тақдирлар кириштириш.

Куйидагилар Жамғармани шайлаб чиқиш мақсадли мувофиқлаштириш маблағлари этиб белгилансин:

устувор инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат бюджети ҳисобидан ажратилаётган маблағлар; хоржий ва мамлакатимиздаги ҳомиёлар бадаллари; халққо грантлар; корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа ҳужайра бирлашмалари, идоралар, корхоналарнинг мақсадли инновация лойиҳалари учун мулкдорлик маблағлари;

(Давоми 2-бетда).

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Нью-Йорк. 14 март. Ҳа махсус мухбири Анвар БОБОВЕВ хабар қилади.

Кеча Нью-Йорк шаҳрига ташриф буюрган Президент Ислам Каримов бугун эрта-лаб Нью-Йорк ҳокими Майкл Блумберг билан учрашди. Мазкур шаҳар АҚШнинг энг йирик молиявий маркази бўлиб, унда йирик банклар, етакчи компания ва фирмаларнинг қароргоҳлари жойлашган. Нью-Йорк биржаси жаҳон бозори конъюктурасини белгилайдиган жуда катта муассасадир. Пахта, қанд, шакар, металл каби ўта зарур маҳсулотларнинг нархи Нью-Йорк биржасидаги олд-соғдага бевосита боғлиқдир.

Ислам Каримов ҳоким билан учрашув чоғида Нью-Йорк катта иқтисодий сало-

ҳиятга эга эканлигини таъкидлади. М.Блумберг маҳаллий ишбилармонларнинг эътиборини кўпроқ жалб этиш орқали Нью-Йорк Ўзбекистон-АҚШ иқтисодий ҳамкорлиги ривожига салмоқли ҳисса қўшишини айтиди.

Ислам Каримов Нью-Йорк ҳокими билан бирга Жаҳон савдо маркази харобаларини бориб кўрди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда ўтган йили 11 сентябрда содир этилган муҳим террорчилик ҳаракатининг қурбонлари хотирасига тўлиқ кўйди. Америкаликларнинг иродаси бутун дунё аҳлини ҳайратга солганини таъкидлади. М.Блумберг мамлакатимиз президентига АҚШни, у билан иттифоқда терроризмга қарши тузилган халққо каолицияни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди

ва бундай қатъиятни, айниқса, Нью-Йоркликлар юксак қадрлашини таъкидлади. Жаҳон савдо марказига уюштирилган ҳужумдан биргина АҚШ жабр кўрмади. Кўпгина бошқа мамлакатлар фуқаролари баробарида бу ерда икки нафар ўзбекистонлик ҳам ҳалок бўлган эди. Шунинг ўзи террор чегара билмаслиги ва миллат танламаслигини, унга қарши ёппасига курашмоқ лозимлигини аниқлатади.

Диний экстремизм ва террорчилик муаммолари Ислам Каримовнинг АҚШ Олий ислом кенгаши раиси шайх Қаббоний билан учрашувда ҳам муҳокама қилинди.

Шу билан Ислам Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

(Ҳ.А.)



Барака уруғи

Андижонда чигит экиш оммавий тугса кирди

Пахтачиликда «Андижон технологияси» деб номланган илгор тажриба мактабини яратган андижонликлар ерта барака уруғини қамалини аллақондан бошлаб юбордилар. Улар мамлакат деҳқончилиги тарихида туб бурилиш ясаган илгор технологияни янада такомиллаштиришнинг иккинчи босқичи талабларини амалиётга таъбиқ этишга киришдилар. Вилоятда шу йилдан эътиборан пахтачилик истиқболини ҳисобга олган ҳолда ҳосилдорлигини 42 центнерга етказиш ҳаракати бошланди. Бунинг учун ўтган йиллар мобайнида эриштирилган натижалар чухур таҳлил этилиб, бу борадаги тажрибалардан келиб чиққан ҳолда мустақкам замин яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, плёнка шарофати билан жанубнинг иссиқ иқлими волейга «кириб келди». Бу ерга уруғ тушиш муддатини тезлаштирди.

— Қанча эрта эхсак, ҳосилни шунча эрта йиғиштириб олишимизни ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. — деди Ибозак туманидаги «Шарқ юдузи» ширкат хўжалиги бош пурачиси Хурсандбек Шамсидинов. — Икки йилдирки, 52 гектар ерда гузанинг «С-6524» навини парваришляпимиз. Ўтган йили чигит экишни олтинчи марта бошлаб, 13 март кунини тамомлагандик. Бу йил 26 февраль кунини ерга уруғ ташладик. Бу юмушни бир ҳафтага қолмай якунладик. Биринчи марта барака майдонга капсулланган чигит экидик.

— Унинг афзалликлари нимелар?

— Аввало, уруғлик тежаллиди. Масалан, ўтган йили гектарига саксон килограммдан уруғ сарфланган эди. Бу йилги мавсумда ана шу курсаткич ўртача 48-50 килограммга тўғри келди. Бундан ташқари, чигит дорилан, ишлов берилгани учун беҳато униб чиқади, ўза бакуват усад, касаликка чалинмайди. Янгалашга ҳолат қолмайди.

— Экин мавсумига ўтган йилнинг кунда тайёргарлик кўрганмиз қўл келди, — деб сўхбатини давом эттирди Хурсандбек. — 838

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЮРТИМДА КЎКЛАМ КЕЗАР, ДЕМАККИМ, НАВРЎЗ ЯҚИНИ!

ФАЙЗЛИ ҲАДА

Улкамизга фаслар келинчаги баҳор кириб келди. Юртимизда қўл-луг айём, кўт-барака элчиси — Наврўзи оламга кўтаринки руҳ билан қизгин тайёргарлик қилинаётган. Негиз деганда, умрбоқий бу байрам замирида халқимизнинг узоқ ўтмиши, қадимий қадриятлари, миллий урф-одатлари, кўна анъаналари ўз ифтиқосини топган.

Ховир жойларда ободонлаштириш, қўчат экиш, маҳалла-қўйларини саранжом-саринталаш ишлари қизгин давом этмоқда.

Табиики, байрам шодиёналари ҳар галтидек пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидан бошланади. Айни вақтда бу ердаги улкан саҳнада ҳофизлар, рақосалар, дорбозлар, кўтирқобозлар, чаналдошлар, поёловлар, ширк усталари, акробатлар, хунарманда усталар, чеварлар, қўйингки, барча қадимий ва замонавий касб эгалари ўз ижодий маҳоратини намойиш этиш тазорини кўрмоқда.

Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бунга республика ташкилий-иқтисодий тўғридан ЎА мухбирига маълум қилишларича, бу йилги байрам тантаналари янада файзли ўтади. Негизки, бадий жамоалар дастурларида ҳам, вилоятлар вакилларида ҳам, халқона урф-одатлар, удулар, миллий қадриятларни акс эттиришга кенг ўрин берилди.

Эътиборлини шундаки, саҳнада Наврўз билан боғлиқ кўпгина қадриятларимиз этнографик-фольклор — айтишув, дапарлар, термалар, ҳазил-мутойиба қўшиқлар, ҳаққ уйинлари, аския ҳамда қадимий оханлар билан уйғунлашган замонавий миллий эстрада жанрлари воситасида тавалланган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббусига мувофиқ 2002 йил мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилиниши муносабати билан байрам тантаналарида кекалар ҳурмати жойига қўйиш, уларнинг дуосини олиш — миллатимизга ҳос фазилат экани, халқимизнинг бу борадаги юксак руҳияти, бунёдкорлик қайфияти татбиқ этилган қадимий наҳқлар ва турфа рангларида таранум этилади.

Ўқтам ДҮСТЕР,
ЎА мухбири.

ХАЛҚ ҚАЛБИДАГИ ГУРУР

Жорж БУШ:
«Бугун биз
Ўзбекистонни
Марказий Осиё-
даги стратегик
ҳамкоримиз сифатида биламиз».



— Кеча «Ахборот» қўринғимиз? — ўзи нотаниш, юзларида самимилик балқиб турган одамнинг менга қараб гапирётганини кейинроқ англадим. — Президентимиз Америка раҳбари билан учрашганини кўрсатишди.

Мен бекалдаги бу юртимизнинг четрақсидан порлаб турган гурурдан заррача ажабланмадим. Ростдан ҳам, шу кунларда Ўзбекистоннинг Америка билан тенга-тенг музокара юритишидан олинган таассуротни нафақат танишлар билан, балки ҳар бир ватандошимиз билан баҳам кўришимиз табиий. Ахир ўзи буладими: бугун жаҳон Ўзбекистоннинг собит қадимини олқийлаб турибди.

Ҳаяжонни қарангки, «Ахборот»нинг кечаги сони аввалида Америкадан берилган репортажнинг ўйил-қизларим билан тик туриб кўришимиз. Худди ўзимизни ўша олис ва яқин дийёра тургандай ҳис қилишимиз.

Аслида мустақил Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг хоржий мамлакатларга ташриф буюриши, у жойларда Ватанимиз номини мангута муҳрлаши одатий ҳолга айланиб бўлган. Президентимиз АҚШнинг биринчи раҳбари билан илгари ҳам бир неча бор мулоқотда бўлганлар. Айни пайтда бу галги сафар алоҳида аҳамият касб этди. Америка Қўшма Штатлари Президентини Жорж Бушининг тақлифига биноан амалга оширилган расмий

ташриф Ўзбекистон номи уммон ортидаги буюк мамлакатда тинчлик ва оқсоиллик рамзига айланган бир пайтда рўй берди.

Ҳа, Америка бугун Ўзбекистоннинг Ер юзида тинчлик ўрнатиш йўлидаги эгу мақсадли

Бугуннинг гапи

рига ҳамфикр эканлигини изҳор қилмоқда. Жорж Бушининг «Ўзбекистон қандай мамлакат эканлиги сўнги йиллар мобайнида намоеён бўлди» деган сўзлари она юртимизга берилган баҳо эмасми?! Ва биз бундай эҳтиром ва эътирофга Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббускорлиги, доно сибёти туфайли эришмадикми?!

Америкага қилинган расмий ташрифининг ҳар бир кунини, ҳар бир соати, дақиқаси мазмунга бой бўлганини бугун Ўзбекистон юракдан ҳис қилиб турди. Кеча Юртбошимиз Оқ уйда бўлибдилар, бугун АҚШ конгресси ва Пентагонга борибдилар, деган хабарларни ҳамма бир-бирдан суюнчи олгандай баҳам кўрдик...

Жаҳон банки штаб-квартирасидаги унутилмас учрашувлар, ишбилармонлар билан қилинган сўхбат, АҚШнинг етакчи газет ва журналлари муҳаррирлари билан мулоқот тўғрисидаги ахборот ҳар бир Ўзбекистонликнинг қалбига маҳкамдай жо бўлди. Ажиб бир гурур билан ўша учрашувларни тасаввур қиламиз. Америкалик тадбиркор-

лар бўладими ёки журналистларми — ким бўлмасин — бизнинг Президентимиз томонидан қилинган мантқиқ ва беқиёс тажрибага асосланган чиқишларга маҳлиё бўлиб қолишганлиги аниқ. Албатта, булар ҳақида сафар якунларига оид махсус кўрсатувларни завқ билан кўраимиз.

Эрта тонгда Андижондан ҳамкасбим телефон қилди:

— Бугун «Халқ сўзи» чиқдим?

— Ҳа, чиқди.

— Президентимизнинг Америка сафари буйича сурат чоп этилдими?

— Албатта-ла.

Юртбошимиз АҚШ Президенти билан мулоқоти биринчи саҳифада суратлари ила берилди.

— Суратни қандай олдирдингиз?

— Миллий ахборот агентлигимизнинг бугунги имкониятлари қабул қилишга қодир.

— Қойил! Демак, биз анчи илгарилар кетибмиз...

Ҳа, биз қисқа давр мобайнида асрларга тенг қадамлар қўйдик. Фақат бу марралар билан кинофилмоқчи эмасмиз. Бугун тусаётган режаларимиз кўп йиллик келажакнинг манзилларини қўзляпти. Биргина Америка давлати билан имзоланган «Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида»ги Декларация Ўзбекистон Фан тараққиётининг қайси босқичига келганини ифодалаб турибди.


Бундай миселсиз муваффақиятларни гурур ва ифтихор туйғуларини билан қалбига синдираётган халқ чин маънода буюк ишларни удалашга чоғланган.

Шухрат ЖАБОРОВ.



«АНОР» НИ ҲАММА БИЛАДИ

Қуна ҳақида сўз кетса унинг қирмизи қайим анорлар болу асал муҳаммад мевалари, қизларини нолик бармоқларига қис қилувчи ҳусайин узуллари кўз олдига келди. Сабоби ўша мева навларининг машҳурлиги...



Суратларда: хўжалик раҳбари Мастураҳон Сайфудинова; ишарачи Жумабой Қурбоннинг бу йилги ҳосилдан умиди катта; «Анор» болларига сўз лоток-ариқлардан келтирилади.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Харакат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан жорий йилнинг 1 мартдан бошланган Харакат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда. Ойлиқнинг мақсад ва вазифалари хусусида Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Гайрат БОЛТАЕВ ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

Кўча тасодифларга тўла... ЭМАС

Авалло, истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимиз жаҳоннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлари қаторидан ўрин олганини алоҳида таъкидламоқ керак. Шу боис шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил автомобиллар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпайди. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ходимлар малакасини узлуксиз ошириш, хизмат тизимини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш каби муаммоларни ҳал этишни тақозо этади.

Уштан йил якуни бўйича амалга оширилган ишларнинг тахлили мамлакатимиз йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчилар, пиёдалар айби билан содир бўладиган турли ноқуш ҳолатлари камайтириш, шунингдек, мамлакатимиздан ноқонуний равишда товар-моддий бойликларнинг ташиб кетилиши ҳамда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш анча самарали давом этаятигини кўрсатади.



НАВВАРИ

Йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибати юртимиз иқтисодиёти ҳамда жамиятининг маънавий ҳаётига катта зарар етказди. Шунинг учун ҳам бундай ҳодисаларнинг олдини олиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2001 йилнинг 1 мартдан бошлаб мамлакатимизда янги тақрирдаги йўл ҳаракати қоидалари амалга киритилди. Мазкур Қоидалар жорий этилишидан олдин жойларда кенг муҳомамадан ўтказилди. Йирик автомобиль саройлари ва корхоналарда мутахассислар, ҳайдовчиларнинг тақдир ва мулоҳазалари ўрнатилади.

Шунга қарамай, республикамиз ҳудудларида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камаяпти. Бу борадаги таҳлиллар уларнинг сонини янада қисқартириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Харакат хавфсизлиги ойлигини ўтказишда мақсад ҳам айнан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда харакат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган. Шу боис мазкур ойлик давомида комплекс чора-тадбирлар ўтказилди. Хусусан, транспорт ва пиёдалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва чорраҳалар яна бир бор

кўриб чиқилди, аниқланган камчиликлар юзасидан тақдирлар тайёрланди, транспорт воситаларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича амалий шароитлар ўтказилди. Қоидалар асосида мақсадли таъминлаш бўйича қарор қабул қилинди. Қоидаларнинг амалга оширилиши ҳамда уларнинг таъминлаш бўйича қарор қабул қилинди.

Қўмиталари, идораларга қарашли транспорт воситалари техник ҳолатининг харакат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини ва ўз ходимларининг йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз амал қилишлари юзасидан ахбороти ўрганиб чиқилган ҳамда жамъатчиликнинг харакат хавфсизлигини таъминлашда иштирокига баҳо бериши кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири.



БЕХЗОД НОРБОЕВ, ЎЗА МУХБИРИ. МУҲАММАД АМИН ОЛГАН СУРАТЛАР.

Истиқлолдан бошқа йўқ йўлим

Тирликким, бердинг онажон, Отам меҳри сўмас ҳеч қачон, Юзларимда қувонч бир жаҳон, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Аллоҳ берган бутунги имкон, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Ҳасадлармас ҳаваслар уснин, Бор эзгулик энди қувонсин, Қалб муҳаббат, меҳрдан қонсин, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Тилло замин, бебаҳо минг бор, Қатмида йўқ зарра гўбор, Қуз ўтмайин бошларим баҳор, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Эзгуликдан Ўзи йўқласин, Ёмон кўздан Ўзи сақласин, Ўзлимиз Ўзи ёқласин, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Бу матовдан ҳарқирқ дил гоҳ, Нелар ёлға тупади ногоҳ, Элу юрт тинч, Лек бўлин огоҳ, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Олтинлари ўпган тупроқ бу, Бой-бадавлат, танти, сепроқ бу, Саховати, меҳри кўпроқ бу, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Эту тирноқ каби биттамыз, Қорачиқдай юртин туттамыз, Шу Ватан, деб бирга ўтамыз, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Бир бошга бор ахир бир ўлим, Она-Ватан, дейди бу дилим, Истиқлолдан бошқа йўқ йўлим, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Шу заминда ўсган буклар-Эли суйган жондан суяклар, Аждодларим авлодлар йўқлар, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Дарёлар ҳам ортга қайтмағай, Мард авлодлар ёлгон айтмағай, Сафдан сира чиқиб кетмағай, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Сен ёнмасанг-олови менман, Ў ёнмас-қалови менман, Тақдиримнинг — ялови менман, Дам ганимат тинмасин юрак, Энди ёниб яшаш керак!

Бу кунларга етмадик осон, Мозийга боқ: тақдир кўп сарсон,

Ўткир РАҲМАТ.

DAEWOO UNITEL КАМОЛОТ САРИ

Daewoo Unitel Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини баҳор байрами - Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади! Ёнз сизларга бахт-саодат, соғлиқ-омонлик ва тинчлик-осойишталик тилаймиз!



УЛАНИШ БЕПУЛ 50% ЧЕТИРМА KOMFORT "КОМФОРТ" хизмат кўрсатиш пакети АБОНЕНТ ТЎЛОВИСИЗ!!! For your satisfaction only!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Баҳор байрами арафасида Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларига «Наврўз» деб атаган қисқа муддатли омонатни тақлиф этади.

Агар «сўм карточкаси» омонатининг соврийли ўйинида иштирок этсангиз, сизга 10.000 сўмдан 500.000 сўмгача ютуқни қўлга киритиш имконияти ҳам берилади.

Ўзини 2002 йил 28 мартда ўтказилди. Тиражда 2002 йил 21 мартга қадар очилган барча сўм карточкалари иштирок этади. Агар «сўм карточкаси» омонатининг соврийли ўйинида иштирок этсангиз, сизга 10.000 сўмдан 500.000 сўмгача ютуқни қўлга киритиш имконияти ҳам берилади.

Хўрматли хонимлар ва жаноблар! «АСАКА» БАНКИ

2002 йил 1 февралдан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини 30%дан 50%гача камайтирганлигини такроран эълон қилади. «Асака» банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди!

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси Олий ҳўжалик суди судьяси Исмонил Солтева отаси. Комил РАҲИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲХОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Иқтисодий-сўғий хайт — 133-57-34; 133-78-92. Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65. Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 136-29-89, 133-07-48. Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро хайт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 3115, 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базисда терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ. Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА. Мусаххих — Ш. МАШРАББОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. 1 — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 22.30. 1 2 3 4 5 6